

Ислохот бошлангандан кейинги уч йил (1984-87 йй.) ичида мактабларга 4806 нафар ёш мутахассислар йўлланма олди. 1990 йили республикада 20,5 минг ўқитувчи меҳнат қилиб, уларнинг 82 фоизи олий маълумотга эга эди. 1981-1985 йилларда мактабни ислох этиш бошланиши билан мактаб қурилиши ишларига эътибор қўйилди. 1981-1990 йилларда 117,4 минг ўринлик 225 та мактаб қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, улардан 83,7 минг ўринлик 160 та мактаб ислохотлар жараёнида қурилди [8:352].

Давлатимиз мустақиллиги арафасида Қорақалпоғистон Республикасида 691 та умумий ўрта таълим мактаблари фаолият қўрсатиб, уларда 315103 ўқувчи таълим олди. Бу мактабларда 28053 ўқитувчи фаолият олиб борди (1.2-жадвал) [10,3].

Ушбу даврга келиб сиёсий ва иқтисодий вазият мураккаблиги туфайли таълим тизимида бир қатор муаммолар кузатилар эди. Асосан мактабларнинг ўқувчилар сонига нисбатан кам эканлиги жиддий муаммолардан бўлди. Шу боисдан мамлакат бюджетидан ажратилган маблағлар эвазига жами 41328 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 75 та мактабда қурилиш ишлари олиб борилиб, 1991 йил охиригача 20449 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 36 та мактабни ишга тушириш кўзда тутилди [9:174]. Лекин 120 та мактабда жорий таъмирлаш тугалланмаган, капитал таъмирлаш лозим бўлган 114 та мактабнинг фақат 23 тасида таъмирлаш ишлари бажарилган. Айнан иш бошлаган мактабларнинг барчасини ўқув инвентарлари билан таъминлаш борасида ҳам муаммолар мавжуд эди. Ажратилган 254,4 минг сўмдан фақат 65 фоизи, яъни

167,4 минг сўм мактаблар учун ишлатилган эди [9:175]. Айниқса, ўқувчиларни ўқув жиҳозлари билан таъминлашда жиддий муаммолар кузатилди. Шунингдек, барча мактаблардан фақат 492 та мактаб кутубхона, 448 та мактаб устахона, 362 та мактаб ошхона ва буфет, 151 та мактаб тиббий хоналар билан таъминланган эди [9:194].

Юқоридаги маълумотлар минтақадаги халқларнинг саводхонлик даражасини ошириш учун халқ таълими соҳасида асосий вазифа этиб белгиланганлиги албатта ижобий ҳодиса эди. Лекин таълим соҳаси халқимизнинг миллий маънавияти, кадриятларидан, улғў аждодларимиз меросларидан бутунлай ажралиб, юқоридан бошқарилар эди. Умумий ўрта таълим мактабларида ўсиб келаётган ёш авлодга халқимизнинг миллий тарбия негизлари, тарихий мероси, аксиологик билимларини ўргатадиган ахлоқшунослик, одобнома ва ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий билимлар асосларини ўргатадиган фанларнинг етарли даражада ўқитилмаслиги, мавжуд ёки мазмунан яқин фанларда эса юқоридаги мавзулар умуман ўргатилмаганлиги ушбу соҳадаги асосий муаммолардан бўлди.

Шу боис, мустақиллик йилларида мактаб таълими мазмунини модернизация қилишга, айниқса, бошланғич таълим сифатини яхшилашга, ўқитувчилар билим савиясини юқорилаштиришга, мактаб битирувчиларининг келажакдаги ҳаёти билан боғлиқ масалаларга, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, жумладан ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун имкониятлар яратиш каби қатор муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Адабиётлар

1. Алеуов У. Қарақалпақстанда таълим-тарбиялық ойлардын қәлипlesiуи ҳәм раўажланыўы. (Қарақалпақ халқынын педагогикасы тарийхы). -Нөкис: "Билим", 1993. 504-б.
2. Алеуов У. Каракалпакия. // Российская педагогическая энциклопедия. Т-1. -М.: Большая Российская энциклопедия. 1993.
3. Карлибаев М. История народного образование в Каракалпакии XIX-XX веков: - Автореф. дисс...кан.ист.наук. - Н.: 1995.
4. Сейтимбетова Р.И. Развитие дошкольного образование в Каракалпакстане: Дис. ...канд. пед. наук. - Т.: 1997. -С. 157.
5. Уразбаева Р.Дж. История образования в Каракалпакстане. - Т.: «Yangi nashr», 2011. -С. 272.
6. Урумбаев Ж. Очерки истории школы в Каракалпакстане (1810-1970 гг.). Н.: "Каракалпакстан", 1974. -С.583.
7. Народное хозяйство Каракалпакстана. -Н.: "Каракалпакстан", 1981. -С.181.
8. Қорақалпоғистон XIX асрнинг 2-ярмидан XXI асргача. -Н.: "Қарақалпақстан, 2003. 556-б.
9. Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси архиви. Фонд. 35, оп.1, д.79, 169,174-175, 194-б.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Фонд, м-26, оп.1, ед.хр. 107, 3-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қорқалпоғистон умумий ўрта таълим мактабларининг мустақиллик йилларига қадар ривожланиши илмий педагогик, тарихий нуқтаи назардан ўрганилиб, ушбу йиллардаги таълим ислохотлари бўйича маълумотлар умумлаштирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается развитие общеобразовательных школ в Каракалпакстане до обретения независимости с научно-педагогической и исторической точки зрения, а также обобщаются данные о реформах в системе образования в эти годы.

SUMMARY

The article discusses the development of secondary educational schools in Karakalpakstan until independence from a scientific, pedagogical and historical points of view and also summarizes data on educational reforms these years.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ТАЖРИБА (ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ)

Т.А.Хатамов – тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Таянч сўзлар: таълим, ёшлар, ислохотлар, ўқитувчилар, моддий-техник база, дарсликлар.

Ключевые слова: образование, молодёжь, реформы, учителя, материально-техническая база, учебники.

Key words: education, youth, reforms, teachers, material technical base, textbooks.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантикий давоми сифатида эътироф этилувчи Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилган ислохотларни илмий-тарихий жиҳатдан таҳлил қилиш ва кенг жамоатчиликка етказиш тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Таълим ислохотлари жараёнида энг муҳим босқич-мактаб таълими узлуксиз таълим тизимида бўш бўғинга айланиб қолганлиги билан бирга кўплаб камчиликлар ва муаммолар ҳам бу даврда йиғилиб қолганлиги маълум бўлди. Бу айниқса, мактаблар моддий-техника базасининг ночорлигида яққол кўзга ташланди, қишлоқ

жойларда бу борадаги аҳвол жуда танг даражага келиб қолганди. Шу боис мактаб таълимидаги муаммолар, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг яхлит-ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ жиддий масалаларни бартараф этиш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг истиқболдаги босқичларини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида **2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида” [1] махсус фармойиши эълон қилинди.**

Умуммиллий дастурни тайёрлаш ва унинг амалга оширилишида куйидаги 5 та устувор вазифа белгилаб олинди. Булар:

- умумтаълим мактаблари бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш;
- мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш;
- таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;
- умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;
- умумтаълим мактаблари спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантиришдан иборат эди.

Ушбу Умуммиллий дастур асосида қисқа фурсатда республикамизнинг 6 та йирик лойиҳалаш институтлари: АО “ЎЗЛИТТИ”, “Тошаҳарлоийҳа”, “Ўзшаҳар-созлик”, “Ўздавлаттиблойиҳа”, АООТ “Ўзқишлоқлоийҳа”, “Ўзсувқурилишлойиҳа” томонидан умумтаълим мактаблар учун 2418 та намунавий лойиҳалар, техник-иктисодий ҳисоблар ва лойиҳа макетлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, умумтаълим мактабларини жиҳозлаш меъёрларини ишлаб чиқиш юзасидан “Ўздавархитектқурилиш” кўмитаси ва лойиҳалаш институтлари ҳамкорлигида 2004-2009 йилларда капитал реконструкция қилинадиган ва янги қуриладиган мактаблар учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди [2].

Фармойиш асосида умумтаълим мактабларидаги аҳволни ўрганиш ва таҳлил қилиш жараёнида 9727 та умумтаълим мактабларининг 684 таси авария ҳолатида эканлиги, мавжуд мактаб биноларининг 40 % эса мослаштирилган бўлиб, ўқувчиларнинг 28 % дан кўпроғи икки-уч сменада ўқиётганлиги маълум бўлди, шу сабабли капитал ва жорий таъмирланиши зарур мактаблар ва қурилиши тугалланмаган объектларнинг номма-ном рўйхати ҳам тузилди.

Мамлакат раҳбарияти мактаб таълимини ривожлантириш йўлида узққни ўйлаб қилиниши лозим бўлган, миллат, жамият ва давлат манфаатлари нуктаи назардан ғоят масъулиятли вазифалар олдимизда турганига, бу ишларнинг барчаси ҳар томонлама пухта, аниқ ва режали асосда ташкил этилиши зарурлигига [3] муҳим эътибор қаратдилар.

2004 йил 21 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги фармони [4:230-236] ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги қабул қилинган “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори [5:85-112] айнан ана шу мақсад-муддаоларни ўзида мужассам этди.

Беш йиллик режага мувофиқ, мавжуд 9 минг 727 та мактабнинг 8 минг 476 тасида эски мактаб бинолари ўрнига янгиларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари белгиланди ва ислохотлар натижасида 3 млн ортққ ўқувчиларнинг таълим олиши учун шарт-шароитларни яхшилаш режалаштирилди [6].

Республика ҳукуматининг Умуммиллий дастур асосида таълим ислохотларини янада чуқурлаштириш борасида амалга оширган тадбирлари натижасида, дастлабки йилларданок ижобий ютуқларга эришилди. Жумладан, 2004 йил якунига келиб республикада 430 та мактаб капитал таъмирланди. Бу ишлар бўйича давлат бюджетидан 13,6 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилди. 142

та мактаб мебеллари янгиланди, ичимлик суви билан таъминланган мактаблар сони 70 % дан 80 % га, газлаштирилган мактаблар 52,8 % дан 59,7 % га, телефон тармоғига уланган мактаблар 48 % дан 59 % га, оқова қувурлар тизимига уланган мактаблар 43 % дан 49 % га кўпайди [7].

Шу йили Вазирлар Маҳкамаси қошида махсус “Давлат қабул комиссияси” ташкил этилиб, янгидан қурилган ва капитал реконструкция қилинган таълим объектларининг сифатлилиги доимий назорат қилиб борилди.

Умуммиллий дастур ижросининг хронологиясига назар солсак, 2005 йил якунларига кўра 524319 ўқувчи-га мўлжалланган 1099 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган бўлиб, улардан 55 таси янгидан қурилган бўлса, 284 таси капитал реконструкция қилинди, 438 таси капитал ва 322 таси жорий таъмирланди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун “Мактаб таълими жамғармаси” томонидан жами 104,1 млрд. сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, 311 та касбга йўналтириш, 380 та чизмачилик, 388 та кимё ва биология, 638 та физика, 693 та лингафон, 986 та компьютер синфлари, 128 та кимё ва 194 та биология лабораториялари, 219 та ошхона, 613 та спорт ва 238 та кийим алмаштириш хоналари ўқув-техник воситалари ва бошқа зарур ашёлар билан таъминланди. 11804 та маъмурий-методик ва синф хоналарини жиҳозлаш учун 99915 комплект ўқувчилар партаси, 7849 дона синф доскаси, 7589 дона ўқитувчилар столи ва 9365 дона стули, 21105 дона китоб жавони, 15364 дона кийим жавони ва 2017 та бошқа зарур мебеллар харид қилинди. Буларнинг барчасига давлат томонидан 41 млрд. 910 млн. сўм маблағ ажратилди [8].

Умуммиллий дастур вазифаларини амалга ошириш жараёнлари республика вилоятларида ҳам ўз натижаларини бера бошлади. Жумладан, Қашқадарё вилоятида биргина 2005 йилда 22 та мактаб биноси янгидан қурилди, 25 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди ва 39 та мактабда капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу хайрли ишларга “Шўртангазкимё”, “Газкимёчи” ташкилотлари томонидан 478 млн. сўмлик ҳомийлик маблағлари ҳам ажратилди [9].

Наманган вилоятида эса 2005 йилнинг ўзида 16 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун Осиё Тараққиёт Банкнинг UZB лойиҳаси бўйича 619 млн. сўм маблағ ажратилди, ўқув жиҳозлари учун 298 млн. сўм, компьютер техникаларига эса 156 млн. сўм маблағ давлатимиз томонидан ажратилди. Ҳомий ташкилотлар эса мактаблар таъмири ва жиҳозлаш учун жами 817 млн. сўм маблағ ажратдилар [10].

Тошкент вилоятида ҳам 2005 йилда 5 та янги мактаб қурилиб ушбу мақсадлар учун 1 млрд. 364 млн. сўм сарфланди. 39 та мактабни капитал реконструкция қилиш учун 7 млрд. 139 млн. сўм, 37 та мактабни капитал таъмирлаш учун 2 млрд. 437 млн. сўм, 11 та мактабни жорий таъмирлаш учун эса 202 млн. 650 минг сўм маблағ ўзлаштирилди. Бундан ташқари Тошкент вилояти ҳокими ташаббуси билан ҳомийлик сифатида мактабларни жорий таъмирлаш учун қўшимча 233 млн. 264 минг сўм ажратилди [11].

Республика ҳукумати ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2004-2005 ўқув йилида мактабларнинг 1-синфига келган 590087 нафар ўқувчилар учун 10 млрд. 988 млн. сўм маблағ ажратиб, уларга 12 номдаги ўқув қуроллари ва кам таъминланган оилаларнинг 1-9 синфларида ўқийдиган фарзандларига 709546 тўплам қишги иссиқ кийим-бош жойларга етказиб берилган бўлса, 2005-2006 ўқув йилида эса 713832 тўплам кийим-бошлар ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқувчиларга берилди. Шунингдек, 2005 йилда хайрия ташкилотлар томонидан меҳрибонлик уйларида 596 млн. сўмлик қу-

рилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Ушбу муассасалар тарбияланувчилари учун 2005-2007 йиллар мобайнида ҳомийлар томонидан жами 37 млрд. 670 млн. сўмлик спорт жиҳозлари, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар етказиб берилди [12].

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам 2006 йилда режадаги 100 та мактабдан 7 таси янгидан қурилди, 36 та мактаб капитал реконструкция, 32 та мактаб капитал, 25 та мактаб эса жорий таъмирланди бу ишларга жами 17,1 млрд. сўм маблағ сарфланди [13].

Таҳлилларга кўра мамлакатда 2006 йилда 2005 йилга нисбатан янгидан қурилган мактаблар сони 7 тага, капитал реконструкция қилинган мактаблар сони 102 тага, капитал таъмирдан чиқарилган мактаблар сони эса 92 тага кўпайган. Умуммиллий дастур асосида 2004-2006 йиллар мобайнида мактаблар учун зарур ҳисобланган 350 турдан ортиқ жиҳозларга жами 54,1 млрд. сўм маблағ сарфланди.

2007 йил якунига келиб Умуммиллий дастурда белгиланган вазифаларнинг 50 % дан кўпроғи амалга ошириб бўлинган эди. Жумладан, 2004-2007 йилларда жами 4669 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 215 та янги мактаб бинолари барпо этилди, 1174 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 2074 та мактаб капитал ва 1216 та мактаб жорий таъмирланди. Мазкур ишларга “Мактаб таълими жамғармаси” томонидан жами 600,7 млрд. сўм маблағ сарфланди. Эътиборлиси шундаки, фойдаланишга топширилган жами 4669 та таълим муассасаларидан 3768 таси (80,6 %) қишлоқ ҳудудларида, 120 таси (2,6 %) бориш қийин бўлган тоғли ҳудудларда, қолган 781 таси (16,8 %) эса шаҳарларда эди. Ушбу ислохотлар натижасида қишлоқ ва шаҳар мактаблари ўртасидаги тафовут қисқариб борди. Шунингдек, 2007 йилгача 1606 та мактаб замонавий ўқув компьютер синфлари билан жиҳозланди. Компьютерлаштириш учун бюджет маблағлари ҳисобидан жами 8,4 млрд. сўм ва кредит маблағлари ҳисобидан 23,6 млн. АҚШ доллари сарфланди.

2008 йилда ҳам Умуммиллий дастур вазифалари ижроси билан давом эттирилганини кўрамиз. Хусусан, 70 та янги мактаб бинолари барпо этилди, 583 таси капитал реконструкция қилинди, 792 та мактаб бино ва иншоотлари капитал 416 таси эса жорий таъмирланди. 1881 та умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун “Мактаб таълими жамғармаси” томонидан 138 млрд. сўм етказиб берилди.

Умуммиллий дастур ижросининг сўнгги 2009 йилги режасига 1957 та умумтаълим мактаблар қиритилган бўлиб, улардан 66 таси янгидан қурилди, 710 таси капитал реконструкция, 754 таси капитал ва 427 таси жорий таъмирланди. Ушбу мақсадларга 437,2 млрд. сўм, шунингдек, 28 та янги мактаб қурилиши учун хорижий инвестиция (Саудия тараққиёт жамғармаси ва ОПЕК) ҳисобидан 19,8 млн. АҚШ долларида кредит ажратилди. 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” муносабати билан қишлоқ ҳудудларида мактабларни қуриш ва таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Умуммиллий дастур асосида таъмирланган ва янгидан қурилган 1957 та мактабнинг 1606 таси (82,2 %) қишлоқларда ва 89 таси (4,5 %) борилиши қийин бўлган ҳудудларда эди.

Миллий дастур вазифалари асосида амалга оширилаётган туб ислохотлар ривожиди таълим соҳасига чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш ҳам муҳим ўрин тутди. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 7 июнда “Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [14] қарорининг қабул қилиниши бу борадаги ишларга янада кенг йўл очиб берди.

Ислом тараққиёт банкининг имтиёзли кредити асосида “Ўзбекистон Республикасида умумтаълим мак-

табларини қуриш ва жиҳозлаш” лойиҳасига кўра 2004-2009 йилларда 5355 ўқувчи ўрнига эга бўлган 15 та янги умумтаълим мактаблари қурилди.

Халқ таълим вазирлигининг истиқболли инвестиция дастурида Осиё Тараққиёт Банки билан ҳамкорликда “Таълим тизимини ривожлантириш” (2003-2007 йиллар, 39 млн. АҚШ доллари) [15] лойиҳасига кўра, 15 та масофадан ўқитиш ресурс таълим марказлари ва 70 та масофадан ўқитиш таълим марказларини жиҳозлаш ишлари ҳамда лойиҳа доирасида таъмирланадиган ва жиҳозланадиган 150 га яқин моддий-техника базаси ночор мактабларда кўзда тутилган таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилди [16].

Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда “Умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш” (2005-2006 йиллар, 28 млн АҚШ доллари), “Умумтаълим мактабларини замонавий компьютер синфлари билан жиҳозлаш” (2005-2007 йиллар, 19 млн. АҚШ доллари кредит, 1 млн. грант) лойиҳаси, Жаҳон Банки билан ҳамкорликда “Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш” (2006-2007 йиллар 7 млн. АҚШ доллари) ҳамда Осиё Тараққиёт Банкнинг “Умумтаълим мактабларини лаборатория ва компьютер жиҳозлари билан таъминлаш” (2006-2009 йиллар 12 млн. АҚШ доллари) каби лойиҳалари ижроси натижасида жами 2004-2009 йилларда 5278 та мактаб тўлиқ ва қисман замонавий компьютерлар билан таъминланди [17].

Бундан ташқари Жаҳон Банки ёрдамида 1000 га яқин мактабларда “Мактаб таълимини ривожлантириш” лойиҳаси иккинчи босқичини амалга ошириш (2007-2010 йиллар 40 млн АҚШ доллари) йўлга қўйилди ҳамда кичик грант маблағлари ҳам ажратилди. 2004 йилда Япония ҳукуматининг “Ижтимоий соҳага беғараз ёрдам дастури” доирасида умумий қиймати 1 млн. АҚШ долларига тенг 14 та кичик грант шартномалари имзоланиб, маблағлар мактабларда қурилиш-таъмирлаш ва замонавий ўқув-техника воситалари билан таъминлаш ишларига сарфланди. Шунингдек, Австрия элчихонаси томонидан Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги мактаб-интернатнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун 2,5 минг АҚШ доллари ажратилди, Германия элчихонаси томонидан 2008 йилда 200 дона замонавий компьютерлар умумтаълим мактаблари учун тақдим этилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея республикаларининг таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорликлари натижасида 2007-2008 ўқув йилида Сеул таълим департаменти томонидан Тошкент шаҳридаги 30 та умумтаълим мактабларига 600 та компьютер техникалари келтирилди [18]. Бундай ижобий ўзгаришлар Миллий дастур ва Умуммиллий дастур вазифалари асосида амалга ошаётган ислохотларнинг самараси эди.

Дастур қабул қилингунга қадар мамлакатда 9727 умумтаълим мактаблари мавжуд бўлган бўлса, 2009 йил якунига келиб юртимиздаги умумтаълим мактаблари сони 9773 тага етди. Умуммиллий дастурда белгиланган режадан ташқари қўшимча равишда 14997 ўқувчига мўлжалланган 47 та янги мактаб бинолари қурилди, 14424 ўқувчига мўлжалланган 30 та мактаб бинолари капитал реконструкция қилинди, 58532 ўқувчига мўлжалланган 95 та мавжуд мактаб бино ва иншоотлари капитал ва 132620 ўқувчига мўлжалланган 230 та мактаблар эса жорий таъмирланди. Жами 220573 ўқувчига мўлжалланган 402 та мактаб янгидан қурилди ва таъмирланди.

Умумтаълим мактаблари спорт базасини муштаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантириш учун 2004-2009 йиллар давомида “Мактаб таълими жамғармаси” ва Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” томонидан жами 6626 та (2004 йилга нисбатан 45,1 % ёки 4386 тага кўп) умумтаълим муассасаларида спорт зал-

лари янгидан қурилди ва мавжудлари таъмирланди.

Ўрганилаётган даврда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида юртимизда амалга оширилган ишлар сарҳисобини қиладиган бўлсак, умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасининг мустаҳкамланишида дастурда белгиланган асосий устувор йўналишларнинг тўлиқ амалга ошганини кўрамыз.

Жумладан, умумтаълим мактаблари бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва реконструкция қилиш борасида 3 млндан ортиқ ўқувчи ўринли 8501 та мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан, 1.166.40 ўқувчи ўринли 351 та янги мактаб бинолари қурилди, 850.951 ўқувчи ўринли 2470 та мактаб бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мукамал реконструкция қилинди, 2.044.582 ўқувчи ўринли 3607 та мактабларнинг бино ва иншоотлари капитал ва 2072 та мактаб эса жорий таъмирлашдан

чиқарилди. Ушбу таъмирланган мактабларнинг 1326 таси (16 %) шаҳарларда, 6887 таси (81 %) қишлоқ ҳудудларида, 287 таси эса (3 %) борилиши қийин бўлган ҳудудларда жойлашгандир.

Тадқиқот натижалари асосида хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, давлатимизнинг умумтаълим мактабларига эътибори туфайли юртимизда янги мактаблар қурилди, мавжудлари таъмирланди, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб борди. Хусусан, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури учун эса қарийб 1,5 триллион сўм маблағлар сарфланди[19]. Ушбу дастурда белгиланган устувор вазифалар юртимизда таълим ислохотларининг чуқурлашувида улкан аҳамият касб этди. Энг муҳими, мамлакат ёшларининг аксар қисmini қамраб олган республика умумтаълим мактаблари шарт-шароитлари янада яхшиланди ва умумтаълим мактаблар тараққий этган дунё таълим муассасалари даражасига яқинлашди.

Адабиётлар

1. ЎзР Халқ таълимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: 2008. Т.1. 48-56-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён: ЎзР ХТВ) жорий архиви. 4374-фонд. 64-рўйхат. 42-иш. 82-83-б.
3. Маърифат. 2004, 25 февраль.
4. ЎзР Халқ таълимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: 2008. Т.1. 230-236-б.
5. Ўша жойда. -Т.2. 85-112-б.
6. ЎзР ХТВ жорий архиви. 3845-фонд. 46-рўйхат. 90-иш. 51-б.
7. ЎзР ХТВ жорий архиви. 2435-фонд. 48-рўйхат. 31-иш. 40-44-б.
8. ЎзР ХТВ жорий архиви. Умумтаълим мактаблари бош бошқармаси. “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”нинг 2005 йилдаги ижроси юзасидан бажарилган ишлар бўйича ҳисоботи. 3245-фонд. 51-рўйхат. 14-иш. 10-27-б.
9. ЎзР ХТВ жорий архиви. Умумтаълим мактаблари бош бошқармасининг умум ўрта таълим мактабларидаги 2005 йилда Умуммиллий дастур режалари асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳақида маълумот. 4946-фонд. 13-рўйхат. 2-иш. 7-12-б.
10. ЎзР ХТВ жорий архиви. Инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорлик бўлимининг ҳисоботлари. 4623-фонд. 21-рўйхат. 86-иш. 14-30-б.
11. ЎзР ХТВ жорий архиви Тошкент вилояти халқ таълими бўлимининг ҳисоботлари. 3621-фонд. 54-рўйхат. 42-иш. 76-83-б.
12. Ўша жойда. 3984-фонд. 27-рўйхат. 8-иш. 53-54-б.
13. ЎзР ХТВ жорий архиви Умумтаълим мактаблари бош бошқармасининг ҳисоботлари. 3251-фонд. 67-рўйхат. 47-иш. 19-33-б.
14. ЎзР Халқ таълимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: 2008. Т.2. - 72-83-б.
15. ЎзР ХТВ жорий архиви Дарсликлар ва ўқув методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимининг “Таълим тизimini ривожлантириш” (2003-2007 йиллар) дастури ижроси юзасидан тайёрланган ҳисоботи. 3291-фонд. 40-рўйхат. 56-иш. 9-27-б.
16. ЎзР ХТВ жорий архиви Инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорлик бўлимининг Халқаро ҳамкорлик режа ва дастурларининг 2006-2009 йиллардаги бажарилган ишлар юзасидан тайёрланган ҳисоботи. 3291-фонд. 8-рўйхат. 72-иш. 5-12-варақлар. 93-иш. 7-20-б.
17. Ўша жойда. 43-иш. 23-28-б.
18. ЎзР ХТВ жорий архиви Тошкент вилояти халқ таълими бўлимининг ҳисоботлари. 6137-фонд. 24-рўйхат. 83-иш. 20-21-б.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига” байрам табриги. “Халқ сўзи”. 2009. 30 сентябрь.

РЕЗЮМЕ

Маколада 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида Ўзбекистон халқ таълими тизимидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан олиб борилган ислохотлар ва амалга оширилган чора-тадбирлар архив ҳужжатлари ва илмий манбалардан фойдаланилган ҳолда илмий-тарихий жиҳатдан таҳлил этилди

РЕЗЮМЕ

В статье с исторической и научной точки зрения анализируются проблемы и реформы, а также конкретные меры по их решению в системе народного образования Узбекистана в рамках государственной общенациональной программы развития школьного образования на 2004-2009 гг.

SUMMARY

The article from a historical and scientific points of view analyzes the problems and reforms, as well as the concrete measures implemented to solve them in the public education system of Uzbekistan in the framework of the state National program for the development of school education in 2004-2009.

J.BAZARBAEV TINI DASTURLER, RUWXIYLIQ HAM ADEP – IKRAMLILIQ HAQQINDAGI TARBIIYALIQ KOZQARASLARI

P.M.Joldasbaev - doktorant

Ajiniyaz atundagi Nokis mamleketlik pedagogikalik instituti

Tayanch soʻzlar: dasturlar, manaviyat, odob-axloq, yoshlar, tarbia, jamiyat, milliylik, pedagogika,

Ключевые слова: обычаи, духовность, этика и эстетика, молодёжь, воспитание, общество, национальность, педагогика.

Key words: customs, spirituality, ethics and aesthetics, youth, education, society, nationality, pedagogica.

Ázel-ázelden bizge belgili, qaysi elde yaki mámlektte bolsın ilimge, mánáwiyatqa hám tárbiyağa itibar kúshli bolsa sol eldin rawajlanıw jolı júda joqarı dárejede bolgan bunı bir qansha tariyxıy misallarda kórsekte boladı. Mine usınday danalıq pikirlerden kelip shıǵıp elimizdin húrmetli Prezidenti Shavkat Miramanovich Mirziyoyev 2020-jılı 24-

yanvar sánesinde Oliy májliske jollaǵan múratinde, «Ilm joq jerde artqa qalıwshılıq, jawızlıq hám álbette durıs joldan adasıw boladı. Shıǵıs danishpanları aytqanıday: “Eń úlken baylıq-bul aql-oy hám ilm, eń úlken miyras-bul jaqsı tárbiya, eń úlken kambaǵalshılıq-bul sawatsızlıq bolıp esaplanadı!”. Sol sebepli, hámımız ushın zamanagóy